

Халаф ибн Тамим айтади: «Отам оламдан ўтди ва унинг зиммасида карзи бор эди. Мен Хамза Зайётнинг олдига бориб, карз эгаси билан гаплашиб, отамнинг карзидан бирор нарса ўтиб беришини сўрашини илтимос килдим. Хамза менга: «Сенга ёмонлик бўлсин, у менга Куръон ўқитган эди. Мен ўзим Куръон ўқитган киши уйидан сув ичишни қарих кўраман», деди».

Бир куни Хамза бир кудукка тушиб кетди, уни кудукдан чиқариш учун келган ҳар бир кишидан: «Сен менга Куръон ўқиб берганмисан?» деб сўраб эди. Улар: «Сизга Куръон ўқиб берганмиз», дейишса, улар ёрдамида кудукдан чиқишни хоҳламас эди. Қуфа ахлининг ҳаммаси унинг шогирдлари эди. Улар бу ишни амалга ошира олмадилар. Шунда унинг олдига бир аъробий келиб, унда Куръон ўқимагани, ундан Куръон ўрганган кишидан ҳам Куръон эшитмаганини айтганидан кейин уни кудукдан чиқариб олди.

Имом Хамза кироатни ўргатганига ҳақ олмас эди. Исик ёз кунларидан бирида бир шогирди унга сув берганида, уни ичишдан бош тортган. Имом Шотибий унга «мутаварриъ» – «такводор», «пархезкор» деб ишора қилган.

Шуъайб ибн Харб айтади: «Мен Қуфага бордим ва Суфён Саврий ва Шарик ибн Абдуллоҳлар Хамзанинг олдида Куръон ўқиб ўтиришганини кўрдим. Мен ўзимча, учинчиси бўлар эканман-да, деб ўйладим». Хамза: «Мен мингта ҳадисни исноди билан Набийдан (алайҳиссалом) ривоят қилдим». Имом Шотибий у иккиси (Суфён Саврий ва Шарик)га «имом» деб ишора қилган. Хамза Куръондан дарс берганидан кейин тўрт ракъат намоз ўқиб эди. Пешин ва аср намозлари орасида ҳамда шом ва ҳуфтон орасида ҳам намоз ўқиб, туннинг аксарият қисмини бедор ўтказарди. Имом Шотибий унга «сабур» – «сабр қилувчи» деб ишора қилган. Бир ривоятда: «Мен уни қачон кўрмайин, Куръон ўқиб ўтирган бўларди», дейилган. Ривоят қилинишича, Хамза ҳар ойда йигирма беш ёки йигирма етти марта хатм қилар эди. Имом Шотибий у кишига «мураттил» – «тартил билан ўқувчи», деб ишора қилган.